

## Уммонда Қуръони карим мусобақаси ғолиблари тақдирланди



11:59 / 27.12.2018 2295

Уммон пойтахти Маскатда Қуръони карим мусобақаси ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди, деб хабар беради the Times of Oman.

Ғолибларни тақдирлаш маросимига Султон Қобус ибн Сайид томонидан тайинланган Уммон Қироллик ишлари бўйича Бош котиби Наср ибн Ҳамуд ал-Ҳиндий раислик қилган. Қуръони каримнинг ушбу “28-Султон Қобус” мусобақасида олтита турли даража бўйича 16 нафар ғолиб аниқланган. Шулардан асосий учтасига Султоннинг махсус совғалари топширилган. Султонликнинг олий муфтийси шайх Аҳмад ибн Ҳамад ал-Халилий иштирокчиларга Қуръони каримнинг фазилати, уни ёдлашнинг аҳамияти тўғрисида ояту ҳадислар билан маъруза қилган. Тадбир иштирокчилари Султон Қобус ибн Сайиднинг юксак эътибори ва салоҳиятини олган ушбу

мусобақа йилдан-йилга такомиллашиб бораётганини маълум қилганлар.

***Islom.uz*** портали таҳририяти